



PROSPECTS FOR TOURISM DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

Bekhzod Sayfullaev

Deputy Head of the Main Department for Migration and Citizenship of the Ministry of Internal Affairs, Colonel, Independent Researcher
Main Department for Migration and Citizenship of the Ministry of Internal Affairs
Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: tourism, ethnographic tourism, health tourism, gastronomy tourism.

Received: 13.01.24

Accepted: 15.01.25

Published: 17.01.25

Abstract: The article describes the reforms carried out by state to develop the touristic sector in Uzbekistan, the prospects for the development of touristic sector, and the opportunities created for foreign tourists to visit our country.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бехзод Сайфуллаев

Ички ишлар вазирлиги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиги ўринбосари, полковник, мустақил тадқиқотчи
Ички ишлар вазирлиги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси
Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: туризм, этнографик туризм, тиббий-соғломлаштиш туризми, гастрономик туризм.

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохатлар, хорижий сайёҳларнинг мамлакатимизга ташириб буюришлари учун яратилаётган имкониятлар ва ушбу соҳани ривожлантириш истиқболлари баён этилган.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

Бехзод Сайфуллаев

Заместитель начальника Главного управления по миграции и гражданству МВД, полковник, независимый исследователь
Главное управление миграции и гражданства Министерства внутренних дел
Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: этнографический, оздоровительный, гострономический туризм.	слова: туризм, лечебно-туризм, туризм.	Аннотация: В статье описываются реформы, проводимые государством по развитию туристического сектора в Узбекистане, условия созданные для посещения нашей страны иностранными туристами, а также перспективы развития данного сектора.
---	---	--

Ҳозирги вақтда дунё давлатларининг тараққиётида туризмнинг ўрни ва нуфузи ошиб бормоқда. Жаҳон аҳолисининг онги, тафаккури, дунёқараши, қизиқишлари ҳамда даромадлари ўсиб боргани сайин қадимий обидалар, гўзал масканларни томоша қилиш, бошқа халқларнинг урф-одатларини яқиндан билиш ва маданий дам олиш учун саёҳат қилишлари одат тусига қияпти[1].

Шу жиҳатдан сўнгги йилларда юртимизнинг туризм жозибадорлигини ошириш орқали халқимизнинг бой тарихи, маданияти ҳамда имкониятларини дунёга намоён этиш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Авваламбор, туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва соҳани ривожлантириш борасида бир қанча давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинди.

Шу жумладан, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, турист ва инвестор сифатида кириб келаётган чет эл фуқароларига қулайликлар яратиш мақсадида виза режими либераллаштирилиб, уларни рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилди. Хусусан, 78 та хорижий мамлакат фуқароларига Ўзбекистонда 30 кунгача визасиз бўлиш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари, икки томонлама шартномалар асосида Арманистон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Молдова, Озарбайжон, Россия, Украина фуқароларига муддатсиз, Қирғизистон ва Бирлашган Араб Амирликлари фуқароларига 60 кунгача, Тожикистон фуқаролари учун эса 30 кунгача визасиз бўлиш тартиби ўрнатилди. Ўзбекистоннинг Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистон, Озарбайжон, Россия ва Тожикистон давлатлари билан икки томонлама ўзаро келиб-кегиш тартиблари тўғрисидаги битимларига мувофиқ ушбу давлатлар фуқароларининг мамлакатимиз ҳудудида вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаш муддатлари узайтирилди. 2023 йил 27 январдаги Баённомага асосан 2023 йил 1 сентябрдан Қирғизистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига идентификацияловчи ID-карталари билан 60 кунгача визасиз ўтиш тартиби жорий этилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 9 август куни Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат

учрашувидаги нутқида туристик алмашувни кенгайтириш мақсадида “Битта тур – бутун минтақа” тамойили бўйича миллий ID-карталарни ўзаро тан олиш ва оммавий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш масалаларини ўрганиб чиқишни таклиф қилди. Бу эса тарихи, маданияти ва дини бир бўлган Марказий Осиё давлатлари халқларининг эркин ҳаркатланиш имкониятини янада ошириб, мамлакатлар ўртасидаги туризмнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда[2].

Юқоридаги каби қўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизга туризм, хусусий ташриф (меҳмон), ишлаш, таълим олиш ва бошқа мақсадларда ташриф буюрувчи чет эл фуқаролари сони ошиб бормоқда. Статистика агентлигидан олинган маълумотларга қараганда, 2023 йилда Ўзбекистонга 9 миллион 600 мингдан ортиқ турист ташриф буюрган. 2024 йилнинг 10 ойида эса ушбу кўрсаткич 10 миллиондан ошиқни ташкил этди. 2020 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотида туризмнинг улуши 0,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда эса 2 фоиздан ошганлигини қайд этиш лозим[3-4].

Дунё тажрибасидан маълумки, Австрия, Испания ва Гонконгда яшовчи бир кишига икки нафар сайёҳ тўғри келар экан. Хитойнинг ҳар 100 аҳолисига 3 нафар сайёҳ тўғри келади. Андорра мамлакатини кўпчилик билмайди, лекин ушбу давлатда яшовчи 100 кишига ҳар йили 5 минг, Буюк Британиянинг Виржиния оролининг битта вакилига 10 минг сайёҳ тўғри келади[5].

Ўзбекистон ҳам ўзининг географик жойлашуви, бетакрор иқлими, гўзал табиати, қадимий обидалари ва қадамжолари билан туризм соҳасида анча юқори салоҳиятга эга ҳисобланади. Шу сабабдан мамлакатимизда зиёрат туризми билан бир қаторда этнотуризм, тиббий ва соғломлаштириш туризми, агротуризм, экстремал спорт туризми, гастрономик туризм ва экологик туризм йўналишларини ривожлантириш зарур.

Туризм салоҳияти юқори бўлган давлатларда сайёҳлик инфратузилмаларининг ривожлангани, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбуллиги, транспорт ва меҳмонхона хизматлари, умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлиги хорижий давлатлардан сайёҳларнинг ташриф буюришлари учун муҳим омил ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 3 475 та сайёҳлик компанияси фаолият юритмоқда, 95 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 1 456 дан ортиқ жойлаштириш воситалари (меҳмонхоналар, апартаментлар, апартаментлар комплекси, спа-меҳмонхоналар, бутик-отеллар, мотеллар, туристик лагерлар, дам олиш уйлари ва бошқалар) сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда. Хорижий давлатлардан ташриф буюрувчи сайёҳлар учун 220 та туризм объекти фаолият кўрсатяпти.

Ўзбекистон халқи бой тарихга, маънавий қадриятларга, миллий урф-одатларга эга. Уларда халқнинг орзу-умидлари, истеъдоди, маҳорати, қобилияти, этник, этногенези ва этник ўзига ҳосилиги ўз ифодасини топган. Шу боисдан юртимизда зиёрат туризмидан ташқари, этнографик туризм учун бой моддий ва номоддий ресурслар мавжуд. Мамлакатимизда этнографик туризм энг оммабоп туризм турларидан биридир.

Туризм саноати ресурслари ҳар бир мамлакатнинг миллий бойлиги, давлат мулки ҳисобланади. Ўзбекистоннинг жаҳон аҳмиятига молик 4 шаҳри, 31 дан ортиқ тарихий масканлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган ва муҳофаза қилиб келинмоқда[6].

Республикамызда этнотуризмни ривожлантириш мақсадида “Uzbekistan Ethno Games”, “Youth Tourism” ва “Баҳодирлар ўйини” каби йирик халқаро тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Бундан ташқари, “Шарқ тароналари”, халқаро мақом санъати анжумани, Халқаро бахшичилик санъати, “Лазги”, “Бойсун баҳори” халқаро фольклор, Халқ хунарамандчилиги фестиваллари сингари нуфузли анжуманлар, Тошкент халқаро кинофестивали, маданият кунлари, тасвирий ва амалий санъат кўргазмалари ҳамда бошқа муҳим тадбирлари ташкил этилмоқда. Мазкур тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад миллий маданиятимиз ва санъатимизни кенг тарғиб қилиш орқали мамлакатимиз дунёга танитиш билан бир қаторда хорижий давлатлардан сайёҳлар оқимини Ўзбекистонга кенг жалб этиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда тиббий ва соғломлаштириш туризмини ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ҳамда санаторий ва пансионатлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошиши натижасида Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистон фуқаролари даволаниш, соғлиқларини тиклаш учун мамлакатимизга ташриф буюришмоқда.

Даволаниш мақсадида ташриф буюраётган хорижий фуқароларга янада қулайликлар яратиш чоралари кўриляпти. Жумладан, шифобахш балчиқ қатламлари бор ҳамда шифобахш сувлар қаторига киритилган, санитария соғломлаштириш аҳамиятига молик сув объектлари мавжуд ҳудудларда янги санаторий-курорт зоналари ташкил этиляпти. Шунингдек, тоифали (юлдузли) меҳмонхоналар типдаги санаторийлар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Хорижий фуқароларни рўйхатга олишда қулайликлар яратиш мақсадида давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида интернет тармоғи орқали ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган махсус электрон дастурлари жорий этиляпти. Бу эса чет эллик фуқароларга муассаса томонидан берилган қайд варақаси асосида қўшимча бюрократик тўсиқларсиз Ўзбекистондан чиқиб кетишига имконият яратмоқда. Бундан ташқари,

тиббий ва соғломлаштириш туризмини ривожлантириш бўйича “Тиббий хизматлар меҳмондўстлиги” (“Medical service hospitaliti”) дастури ва “Avitsenna” номи остида мамлакатимизнинг тиббий ва соғломлаштириш туризми брендини ишлаб чиқиш бўйича амалий ҳаракатлар қилинмоқда[7].

Ўзбекистонда гастронимик туризм ҳам ривожланиб борапти. Сайёҳларга мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига хос миллий таомларни тановвул қилишлари учун замон талабларига жавоб берадиган туристик овқатланиш индустрияси объектлари: ресторанлар, кафелар, барлар, ошхоналар, тамаддихоналар ташкил этилмоқда. Ушбу объектларда турли минтақаларимизда яшаган ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг асрлар давомида шаклланган ошпазлик анъаналарига мувофиқ тайёрланадиган палов, ҳалим, тандир гўшт, кабоб, шўрва, мастава, мошхўрда, сомса каби миллий таомларимиз сайёҳларга манзур бўлмоқда.

Сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминланиши муҳим ҳисобланади. Шу жиҳатдан, туризм хизмати кенг тарқалган дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасидан келиб чиқиб, туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш, сайёҳларга нисбатан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги қарорига мувофиқ, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари ички ишлар бошқармалари тузилмаларида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги қарорига асосан хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасида ҳам тузилди. Бундан ташқари, Жиззах вилоятининг Зомин тумани Ички ишлар бошқармаси тузилмасида Хавфсиз туризмни таъминлаш бўлими фаолияти йўлга қўйилди[8-9].

Сайёҳлик намоиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш, хавфсиз туризмни таъминлаш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини ахборот-техник қўллаб-қувватлаш, ушбу ҳудудларда юзага келиш мумкин бўлган жиноий ҳолатларни тизимли таҳлил қилиш, сайёҳларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбирлар кўриш мазкур тузилмаларнинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Ушбу бўлинмаларда хизмат олиб бориш учун ички ишлар идоралари шахсий таркиби орасидан хорижий тилларни мукамал биладиган, дунёқариши кенг, фуқаролар билан мулоқат қилиш тажрибасига эга бўлган ходимлар танлаб олинди. Улар туризм намоиши объектлари ва

инфратузилмаси ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш билан бир қаторда, ҳар бир мурожаат қилган хорижий ва маҳаллий сайёҳга турли йўналишларда тезкорлик билан ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда туризм аҳолининг турмуш фаровонлиги ва давлатнинг иқтисодиёти ривожига ижобий ҳисса қўшаётганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантириш учун қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим ҳисобланади:

– тарихий-маданий объектларни тадқиқ этиш, реставрация қилиш, консервациялаш, уларнинг ҳолатини яхшилаш;

– туризм объектларида сайёҳлар учун халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган замонавий инфратузилма объектлари (меҳмонхоналар, овқатланиш, дам олиш масканлари)ни яратиш;

– транспорт хизматини яхши йўлга қўйиш;

– янги сайёҳлик йўналишлари очиш ва ушбу объектларда хавфсиз туризмни таъминлаш.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш юртимизни дунёга танитишга, аҳолининг ҳаёт даражаси, даромади ва фаровонлигининг ошишига хизмат қилади. Шундай экан, ушбу соҳани янада ривожлантириш замон талабидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Тагаев Б.А. Туристик салоҳият ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш истиқболлари (Тошкент вилояти мисолида) [Электрон манбаа]
<file:///C:/Users/Admin/Downloads/turistik-salo-iyat-va-uning-imkoniyatlaridan-samarali-foydalanish-isti-bollari-toshkent-viloyati-misolida.pdf>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувидаги нутқи [Электрон манбаа]
<https://president.uz/uz/lists/view/7456>

3. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузурида Туризм қўмитаси маълумотлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.

5. Тагаев Б.А. Туристик салоҳият ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш истиқболлари (Тошкент вилояти мисолида) [Электрон манбаа]
<file:///C:/Users/Admin/Downloads/turistik-salo-iyat-va-uning-imkoniyatlaridan-samarali-foydalanish-isti-bollari-toshkent-viloyati-misolida.pdf>

6. Ахмедов И.А., Хакимов Д.З. Ўзбекистонда этнографик туризмни ривожлантириш истиқболлари [Электрон манбаа] <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-etnografik-turizmni-rivozhlantirish-isti-bollari/viewer>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий ва соғломлаштириш туризмини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 335-сон Қарори [Электрон манбаа] <https://Lex.uz>.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги “Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 939-сон Қарори [Электрон манбаа] <https://Lex.uz>.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4229-сон Қарори [Электрон манбаа] <https://Lex.uz>.